

XXI АСРДА МАЪЛУМОТ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШЛАРИ



**Мадина
Боймухамедова,**
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
Маълумот-ахборот
хизматлари кўрсатиш
хизмати етакчи
мутахассиси

Маълумотимизда таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари яратиш ва ўқувчиларга етказишнинг мустаҳкам тизими яратилди. Ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларининг моддий-техник базаси янгиланиб, замонавий электрон кутубхоналар тизимлари фаолият кўрсатмоқда. Маълумот бериш хизматлари ва манбалари фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида замонавий кўринишда хизмат кўрсатишни жорий этиб, ривожланмоқда. Бунда кутубхона мутахассислари, авваламбор, фойдаланувчининг жамиятдаги ахборот саводхонлигини юқори даражасини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиши ва фойдаланувчига топилган ахборотни тўғри баҳолаш ва ундан тўғри фойдаланиши учун ёрдам бериши керак. Ҳозирги кунда кутубхоналарда ахборот-кутубхона тизими орқали босма нашрларни излаш ва уларга буюртма бериш махсус дастурлар орқали амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам тезкор ва замонавий хизмат кўрсатиш ишлари ўтган асрнинг 90 йилларининг


охирида яратила бошланди. Махсус дастур орқали электрон каталогга адабиётларнинг библиографик ёзувлари киритилиб, керакли маълумотларни ҳам шу дастур орқали излаш йўлга қўйилган. Бу жараён фойдаланувчиларга анча қулайликлар яратиб, маълумотларни тезкор ва сифатли олишлари учун қулай усул ҳисобланади.

2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон Миллий кутубхонасида янги IBS (ibs.natlib.uz) онлайн дастури ишга туширилди. Бу дастур орқали масофадан туриб китоблар, авторефератлар, диссертация ва даврий нашрлар (газета ва журнал)даги мақолалар рўйхатини ҳам кўриш имконияти мавжуд.




Миллий кутубхонага ташриф буюриб, аъзо бўлган фойдаланувчи масофадан туриб ҳам адабиётлар рўйхатини кўришлари ва унга буюртма беришлари мумкин. Фойдаланувчи буюртмасини 15-20 дақиқада китоб бериш кафедрасидан олишлари мумкин.

Шунингдек, кутубхонада хорижий электрон базалардан онлайн тарзда фойдаланиш, Iqlib – Россия электрон кутубхонаси базасидан соҳалар орқали қидириш йўлга қўйилган.
















Маълумот топиш жараёнида ходимлар фақатгина Миллий кутубхона каталоглари билан чекланиб қолмасдан, хорижий электрон ресурслардан бири EBSCO нинг жамоат кутубхоналари учун махсус яратилган учта кўрсаткичи ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг энг йириги бу – Master FILE Complete дир. Унга 2000 номдаги тўлиқ матнли даврий нашр ва 1000 та номдаги ахборотнома киритилган. Мазкур маълумотлар базаси анча қулай излаш тизими билан таъминланган. Маълумотларни мақола сарлавҳасидаги керакли сўз, мавзунини тавсифловчи сўзлар, муаллифлар ёрдамида излаш имкони бор. Шунингдек, яна энг йирик маълумотлар базаси ProQuest Central деб номланиб, унга 11 500 номдаги манба-



Фойдаланувчиларга маълумот беришнинг асосий тамойиллари:

-  Кутубхона каталоглари (электрон ва анъанавий)
-  Электрон маълумотлар базалари
-  Интернет тармоқлари

Миллий кутубхона фойдаланувчиларининг қандай қидирув турини афзал кўришлари жадвалда кўрсатилган:

	 Электрон каталог	 Анъанавий каталог	 Хорижий электрон базалар
 Талабалар			
 Нафақахўрлар			
 Абитуриентлар, ўқувчилар			
 Ишчилар, хизматчилар			

лар, 8 700 номдаги тўлиқ матнли илмий мақола, журналлар, газеталар, диссертациялар киритилган. Мазкур маълумотлар базаси анча қулай излаш тизими билан таъминланган.

Беларуссия Миллий кутубхонасининг электрон каталоги (www.nlb.by) Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон каталогидан бир оз фарқ қилиб, жуда қулай қидирув тизимига эга. УЎК соҳалар бўйича, нашр этилган йиллар, китобларнинг турлари бўйича ҳам қидирувга берса бўлади.

Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойдаланувчиларининг 90 фоизи электрон каталогдан фойдаланишни афзал биладилар (жадвал).

Ҳозирги кунда маълумот излаб топишнинг йўллари жуда ҳам кўп бўлиб, бунда интернет орқали маълумот топиш алоҳида ўрин тутади. Кутубхона каталоглари билан бирга, бир нечта давлатларнинг электрон каталоглари ҳам мавжуд бўлиб, улар турли кутубхоналар каталогларини ўзида бирлаштирган ва маълумотни бир вақтнинг ўзида турли каталоглардан қидириш имконини беради. Жумладан, Онлайн компьютер кутубхона маркази (Online Computer library Center – OCLC). Унга дунёнинг 112 та мамлакатидagi 71 мингта кутубхона аъзо. OCLC да 900 миллионга яқин ахборот жамланган.

Электрон почта ҳам маълумот олишнинг замонавий кўринишидир. Электрон почта орқали маълумот беришни кутубхоналар 1990 йиллар ўрталаридан бошлаган. Хизматга поч-

та орқали турли саволлар билан мурожаат қилинади. Мурожаатлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида амалга оширилади. Электрон почта воситасида кутубхона фойдаланувчилар билан кутубхонадан ташқарида мулоқот қилиш имконини беради. Қандай маълумот кераклигини аниқлаш мақсадидаги савол-жавобни электрон почта орқали ўтказиш мушкул бўлгани боис кутубхоначилар фойдаланувчига махсус саволнома юбориш орқали унга айнан қандай маълумот кераклигини аниқлаш усулини амалда қўллаш керак бўлади.

Маълумот-ахборот бериш хизмати фойдаланувчилар учун ахборот манбаларини тўплаш ва тартибга солиш, уларга ўз-ўзига ёрдам бериш усуллари орқали ахборотни баҳолаш ва ундан фойдаланишни ўрганишига кўмаклашиш биз кутубхоначиларнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

Бугунги куннинг сўров ва кузатув натижалари шуни кўрсатдики вилоят ахборот-кутубхона марказларида электрон каталоглардан фойдаланиш орқали керакли маълумотларни масофадан туриб қидириш ва буюртма бериш ишлари йўлга қўйилса, фойдаланувчиларга анча қулайликлар яратилган бўлади. Афсуски, бугунги кунда бундай хизмат турлари Республика бўйича кам сонли кутубхоналарда жорий этилган бўлиб, уларда ҳам хизмат кўрсатиш жараёнида камчилик ва нуқсонлар учраб туради. Бу эса, ўз навбатида, фойдаланувчилар томонидан норозиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Кутубхона каталоглари билан бирга, бир нечта давлатларнинг электрон каталоглари ҳам мавжуд бўлиб, улар турли кутубхоналар каталогларини ўзида бирлаштирган ва маълумотни бир вақтнинг ўзида турли каталоглардан қидириш имконини беради. Жумладан, онлайн компьютер кутубхона маркази (Online Computer library Center – OCLC), унга дунёнинг 112 та мамлакатидagi 71 мингта кутубхона аъзо. OCLC да 900 миллионга яқин ахборот жамланган

Баймухамедова Мадина, ведущий специалист Службы справочно-информационного обслуживания Национальной библиотеки Узбекистана

Служба справочно-информационного обслуживания оказывает помощь в поиске информации пользователям библиотеки. В данной статье даётся информация о современных видах получения информации и о том, как пользоваться электронным каталогом Национальной библиотеки Узбекистана (ibs.natlib.uz). В статье можно узнать какие каталоги предпочитают пользователи библиотеки, а также дана информация о зарубежных государственных электронных каталогах. ■